

Ўзбекистон Республикаси Патентлар идораси томонидан 1-Тошкент давлат тиббиёт институти нур диагностикаси ва нур терапияси кафедрасининг бир гуруҳ мутахассислари олиб борган изланишлар натижаси кашфиёт сифатида кайд этилди. Бу кашфиётнинг моҳияти билан кизикиб ушбу кафедра мудири, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳамда Россия Федерацияси Тиббиёт фанлари академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан аربоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор Жалол МАҚСУМОВГА мурожаат қилдик.

— Жалол Носирович, қилинган кашфиётнинг илмий асосларини оддий газет-хонга сонда тилда изоҳлаш мумкинми? — Албатта мумкин. Жаҳон рентгенология соҳаси амалиётида мингдан зиёд рентген-контраст моддалари қўлланилади. Шунга қарамай уларнинг кўпчилиги тиббиёт талабига тўла жавоб бермайди. Хорижий давлатлардан оладиган бўлса анча қимматга тушади. Шунга кўра кафедрамиз биоорганик ва биологик киме кафедраси билан ҳамкорликда олиб борган изланишларимиз натижасидан янги "ММ-75" рентген-контраст моддаси кашф этилди. Юқори даражали контрастлиги билан бошқаларидан ажралиб турадиган бу янги модда инсон танаси учун зарарсиз ҳамдир. Унинг ердамида нафас йўллари, хусусан трахея, ўпкадаги бронхлар ва ошқозон-ичак шиллиқ қаватининг яққол тасвирини олиш мумкин. У бу аъзолар тизимини тўғри ташхис қўйиш имконини беради. Бу кашфиёт муаллифлари сифатида каминга билан бирга институт ходимларидан Абдухалил Мақсумов, Убайдулла Болтабоев ҳамда афғонистонлик Муҳаммад Зоир номини айтишим керак. Қизғин шундаки, кафедрамиз аспиранти Муҳаммад Зоир ушбу кашфиёт мавзусида диссертация ёқлаб фан номзоди унвонини олди. У Москва тиббиёт ходимлари малакасини ошириш институти ходими бўлгани учун унинг номзодлик ҳужжати тасдиқдан ўтиши учун Россия Федерацияси Олий аттестация ко-

миссиясига юборилди. Аммо у ерда Муҳаммад Зоирга философа фанлари доктори унвонини беришди. Чунки тиббиёт, яъни ожиз инсонга мадад бериш гуманитар ишдир.

ра шунчалар банд ҳисобланган. Худди шунга ўхшаб олимнинг илмиди хизматлари, етиштирган шогирдлари унинг қандайлигини белгилайди. Х-ХI асрларда

Фанилим фидойилари

Жалол МАҚСУМОВ: "ОЛИМЛИК МАРТАБА ЭМАС, У—БУРЧ"



— Кашфиётчи билан суҳбатлашганда унинг дунёқараши ҳам кишини беихтиёр кизиктиради. Шунга кўра мавзудан бироз четга чиқиб Сизга шундай савол бермоқчиман: Сизнингча олимлик қандай мартаба? — Аввало шуни айтишим лозимки, олимлик мартаба эмас, у — бурч. Кимни ҳақиқий олим дейиш мумкин? Халқ фаровонлиги учун хизмат қилган, изланган, ўзидан кейин шогирдлар қолдириб кетган одам ҳақиқий олимдир. Миноранинг бандлиги қадимда қандай ўлчанганини биласми? Унинг қай даражада юксаклиги соясига қараб ўлчанган, соясини қанчалар узун бўлса, минор

Хоразмда шоҳ академияси мавжуд бўлган, академия сўзи асли "мажлис" дегани. Унинг низомига кўра мажлисга фақат илмда бироз кашфиёт қилган олимларгина киритилган. Абу Али ибн Сино ушга академия аъзоси эди. Холбуки, унинг "Тиббиёт қонунилари китоби" 500 йил давомида Европада тиббиёт ходимларининг ўқиш китоби бўлиб келган, ҳозир ҳам шундай. Ҳақиқий олим ана шундай бўлади. Қолаверса олимлик, илм ўрганганининг фойдаси хусусида маънавий меросимизда жуда кўп қимматли гаплар айтилган. Айниқса, бу борада шеърят мулкнинг султони ҳазрат Алишер Навоий асарлари намуна бўла олади.

— Нима учун тиббиётнинг айнан рентгенология ва радиология соҳасини танлангансиз?

— Мен бу соҳага Москвадаги шифокорлар малакасини ошириш институтида ўқиганман. Ушанда сабоқдошларим орасида ўзбеклар кўп, аммо улар терапия, жарроҳ, асаб хасталиқлари каби соҳалар эгаси эдилар. Рентгенологияни ҳеч ким танлагани учун ўзим шу соҳа мутахассиси бўлишга аҳд қилганман. Лекин бу қароримдан сира афсусланмайман.

— Юқорида Алишер Навоий ҳақида гапирдингиз, демак адабиётга ҳам қизикар экансиз-да?

— Албатта, бундай вақтда Алишер Навоий, Фузулий, Абдураҳмон Жомий, Дехлвий, шунингдек Абдулҳамид Чўпон, Фитрат, Усмон Носир, Ойбек, Шукрулло, Саид Аҳмад асарларини мутулаа қилишни эктираман. Уларнинг асарлари менинг илмий фаолиятимга маънавий куч бахш этади.

Машҳур ўзбек олими Жалол Мақсумов ҳақида жуда кўп гапириш мумкин. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, бир неча орден ва медаллар соҳиб бўлган бу инсон юртимизнинг "Жасорат" медали билан ҳам тақдирланган. Бугунги кунда республикамиз рентгенология соҳасининг кўчли мутахассислари бўлган профессорлардан Эдуард Шокиров, Шаҳобиддин Мирғаниев, Талат Мирзаевлар Жалол ака Мақсумовни ўз устозлари санашади. Бундан ташқари олимнинг оила аъзолари ҳам шифокорлик касбини танлашган. Рафикаси Шарифа опа кулоқ-томоқ-бурун касалликлари шифокори, кизи Ширин — терапевт, ўғиллари Жамшид — радиолог, Камолдин — уролог. Суҳбатимиз сўнгиде Жалол ака ёшларга илм беришни янада қучайтириш лозимлигини, чунки илм одам ҳеч қачон хор бўлмаслигини алоҳида таъкидлади.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ. СУРАТДА: Жалол Мақсумов илмий кашфиётлар жараёнида.

Талабалар — олтин давр БИЛИБ ҚЎЙКИ, СЕНИ ВАТАН КУТАДИ

Талабалар олтин даврнинг дегаичча бор. О, бу давр туйғулари қандай беғубор! Бу баҳорга ўхшамайди ҳеч қайси баҳор. Бир армон бор, ўтган умр бўлмайдиган тақдор... деган мисралар жуда тошпан мисралардир. Ҳа, бу ерда келажак буюк юртимизнинг эргани бахтли эгалари камол топмақдалар. Қуни кеча Тошкент Давлат университетининг мухташам маданият саройида Талабалар кўнги бағиллаб ўтказилган тантанали байрам кечасида бўлганимизда бунинг яна бир бор ғубоҳи бўлди. Ўзбекистон Ешлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси ва Шаҳар қўмитаси ҳамда "Ешлик" талабалар шахарчаси ҳокимлиги ҳамкорликда уюштирган ушбу тадбирда бешта олий ўқув юрти, тўртта техникум ва илмий талабалари жамулам бўлди. Тантанани "Ешлик" талабалар шахарчасининг ҳокими Шамил Балабеков кириш сўзи билан очди. Республикасини Ешлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Алишер Тешабоев сўзга чиқиб, талабаларга қарата атоқли шоир Ғафур Ғулومнинг:

Алло мамлакатнинг аъло фарзанди — Билиб қўйки, сени Ватан кутади.

деган мисралари билан мурожаат қилганида мухташам сарой гулдурас олқишлардан дарзага келгандек бўлди.

Шундан сўнг Тошкент Давлат университетининг IV курс толибаси Саодат Эшпўлатова ҳамда 2-Тошкент тиббиёт институтининг V курс толибаси Маглуба Тўлановаларга ўқишда ва жамоат ишларида фаол иштирок этганилари учун Ўзбекистон Ешлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг Фахрий ерликлари тошпирилди.

Кечада шунингдек, шеваки шоир ва ёзувчилар Нормурод Нормуродов ва Ҳожиакбар Шайхонлар ҳам талабаларга дил суларгани изҳор этидилар. Жаҳон сеҳрлар академиясининг аъзоси Раҳмонбек хожи Исмолов, таълиқ кизикчилар Шерали Ҳожиёв, Авазжон Толибжонов ва Шукрулла Махаммадовларнинг чиқишлари ҳам шоднага ўзгача қувонқлик бахш этиди. Хушовоз хонандаларнинг куй ва қўшиқлари талабаларнинг рақсларига улашиб кетди.

Биз тадбир ташкилотчилари билан учрашиб, уларнинг байрам ҳақидаги фикрлари билан кизикдик.

Шомил Балабеков, "Ешлик" талабалар шахарчасининг ҳокими: — Бундай тадбирлар талабаларнинг бундай вақтларини қўнғилили ўтказишларида, уларнинг маънавий камолотга етишишларида катта аҳамиятга эга. Бу ишларда Ешлар Иттифоқи ва касба уюшмаларининг катта қўмагини айтиб ўтишимиз жоиз. Қўвончлиси — Ешлар Иттифонининг таъсири кейинги вақтларда талабалар ўртасида сезиларли нуфузга эга бўлмоқда.

Равшан Абдуқодиров, Ўзбекистон Ешлар Иттифоқи Тошкент шахар қўмитаси биринчи котиби: — Талабалар даври ҳаётнинг энг унунлимас йиллари ҳисобланади. Байрамларимиз кўп, лекин ешлар руҳиятига мослари унчалик кўп эмас. Шунинг учун талабаларга қўлай шaroитлар яратиш ва уларни ижтимоий ҳимоялаш билан биргаликда ушбу байрамни ҳади этдик. Бу талабаларга қанчалик зарур эканлигига эса ҳаммамиз ғубоҳ бўлди. Ўйлайманки, бундай тадбирларни ўтказиш анъанага айланиб қолади.

Талабаларнинг ана шундай қувноқ давраси уша қуни Марказий зобитлар уйда ҳам бўлиб ўти.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.

Тадбиркорга омад ер

САМАРА БЕРАЁТГАН ИЗЛАНИШЛАР

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитларида кичик ва кўшма корхоналарнинг тадбиркорлик билан иш юритиши маъмулотида сероб бўлишда муҳим аҳамият касб этади. Чундан ҳам бундай корхоналар республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшаётган. Ана шундайлар жумласига асбобсозлик заводи қошида ташкил этилган кўшма корхоналарини ҳам қилишим мумкин. Корхона директори Миер Галаутдинов суҳбатимиз чоғида кўпгина аниқликларни гапириб берди.

— Миер Насриддинович, билишимизча сизларда ҳам бир нечта кўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ҳозирги аҳоли билан таъиниётини сизларга.

— Бош корхона қошида ташкил бўлаётган кўшма еки кичик корхоналар энг аввало фойда берасгина яхши. Шунинг учун бу ишга киришидан олдин етти ўлчаб бир кесмоқ даркор. Бундай корхоналар тўла қувват билан ишлаши учун пайдо бўлмаётган турбун бутун сарф-харажат ҳисоблаб чиқилган бўлиши лозим. Кўшма корхона ташкил этишда биз ҳам шунга амаж қилдик. Биласизки биз республикамизнинг аҳолиси учун рўзгорда ишлатиладиган еки корхоналар учун зарур асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришда. Кейинги вақтда тиймай изланишлар эвазига фақат асбоб-ускуна эмас, балки кичик тегириқлар ишлаб чиқаришга киришдик. Албатта бу дастгоҳлар асосан буюртма асосида тайёрланади. Қўрамада бўлиб ўтаётган.

Боқимандалиқнинг чеки борми?

БИР ТЎХТАБ, БИР ИШЛАБ

Тошкент металл қайта ишлаш бирлашмаси 1956 йили ташкил қилинган. Корхона 1988 йилдан бирлашмага айлантирилиб, ҳозирги кунда 550 та ишчи ва хизматчи ишлайди. Бирлашманинг ҳозирги кунда қандай ишлаётгани билан кизикиб, у ерга йўл олдик.

— Айни пайтда корхонамизда 30 хилдан ортик халк истеъмол буюмлари ишлаб чиқарилади. — дейди бирлашма бош директори Нутмон Тиллаев. — Челақ, тоғора, манти қасқон, қошиқ ва бошқалар шулар жумласидандир. Энди шу йилнинг 10 ойлик режалари бажарилишига келсак, шу мuddат мобайнида корхонамизда жамин 13 миллион сўмликдан ортик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Бирлашма ҳисобига 3,5 миллион сўмдан ортик фойда олинди. Ишчилар ишбай усулида ишлашади. Уларнинг ўртача ойлик маоши ҳозирги кунда 670 сўмни ташкил қилмоқда. Хар ойда мукофот пули ҳам бор.

Корхонамизда ишчиларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича ҳам анча ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, уларнинг ўртача тушлик овқати 4,5 — 5 сўм атрофида бўлса, шунинг 3 сўми корхона томонидан ишчиларга нақд пул ҳисобидан ажратилмоқда. Ишчи ва хизматчиларини еза ва киши оёқлари мева ва сабзот билан таъминлашда ҳам кўп ишлар қилинди.

Булариинг ҳаммаси яхши. Лекин бош директори чекларини бир айланиб чиқсак, деган тақлифини айтганимизда у "Ҳозирча корхона хом ашё йўқлиги туфайли тўхтаб турибди", деб жавоб берди. Мазлум бўлишча, бирлашма шу йил ичда бир тўхтаб, бир ишлаб фаолият кўрсатаётган экан. Бош раҳбарининг айтишича корхона металл маҳсулотларининг етишмаслиги сабаб тўхтаб қолган экан. Бирлашма томонидан Россиянинг Новолипецк ҳамда Самара шахарларидан 10 ой давомида 1500 тонна металл маҳсулотларини олинган. Шундан 800 тонна маҳсулот айирболаш хизмати тўғри келган. Қолгани давлатларга тўзилган шартномалар эвазига сотиб олинган. Ҳозирги кунда ишчилар икки вагон металл келишини кутиб ўтиришибди.

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ ЧОРРАҲАСИДА

Тўғрисиини айтганда йилга 10 минг тонна металл қайта ишлаш қувватига эга корхонага 1500 тонна металл уруқ ҳам бўлмайдди. Ишчиларни иш билан таъминлаш мақсадида корхонада тикувчилик ҳамда тўқувчилик бўлимлари очилган. Унда жемпер, болалар калпоқчалари тўқилиши, эркакларни киёмини ва бошқалар тикишиши мўлжалланган. Шу билан 60 га яқин ишчилар иш билан таъминлангандай бўлди. Бирок ҳозирги кунда бу бўлимлар ҳам тўла қувват билан ишламаётган.

1990 йил бошда бирлашмани хом ашё билан таъминлаш ва маҳсулот сифатини кескин ошириш мақсадида кўшма корхона қурилиши бошлаб юборилган эди. У "Пент-Уз" Ўзбекистон — Италия — Россия кўшма корхонаси бўлиб, унинг фойдаланишга топирилганига бир йилдан ошди. Аммо не-не умидлар билан қурилган, Италиянинг "Тамбарни" фирмаси томонидан келтириб ўрнатилган энг замонавий дастгоҳлар ҳозир ишламай турибди.

— Биз ўтган йил май ойидан бошлаб маҳсулот ишлаб чиқаришни бошлаганмиз, — дейди кўшма корхона раҳбари вазифининг вақтинча бажариб туривчи Нозим Мухамедов. — Ҳозирчага 32 та ишчи бор цех ишлаб туради. Улар томонидан шу йил 750 минг дена маҳсулот ишлаб чиқарилади. Утга чидамиз қозон-товоқ, хар хил пиширликларни тайёрловчи қилин ва бошқалар шулар жумласидандир. Яқинда яна бетта цехи ишга тушириш арафасида. Унда юқоридики халк истеъмол буюмларининг баъзи бир қисмлари ишлаб чиқарилади. Лекин шу йил 15 октябрдан бошлаб ишлаб турган цехимиз ҳам тўхтади. Ишчиларимизни эса набатданги меҳнат ташкилга жўнатишга мажбур бўлдик. Сабаби Россиядан металл маҳсулотлари келмай қўйди.

Хулоса қилиб айтганда Тошкент металл қайта ишлаш бирлашмаси ҳозирги бозор иқтисодиёти чиргирига бардош беролмапти. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, корхонадаги қийинчиликларини енгиши борасидаги қўлаб уришилган самарасини бераётган. Валюта эвазига қурилган кўшма корхона бирлашмани хом ашё билан таъминлашга ердан бериш у еда турсин, ўзини ҳам металл маҳсулотлари билан таъминлай олмапти. Масалан, кўшма корхона иш бошлаганда 40 тага яқин хар хил кенг истеъмол молларини ишлаб чиқарилади, Ҳозирги кунга келиб эса шулардан 6-7 хил қолди, холос.

Кичик тегириқнинг иштироки

— "Кичик тегириқ"нинг иштироки қандайдир бўлганидек бу "Кичик тегириқ"нинг ҳам эгаси бор. Улар профессор Махмуд Болибеков ва каминга. Жамоатимизда қўлаб ишчилар бундай олимлар билан машғулдир, яъни янги асбоб-ускуналар яратиш йўлида изланишлар олиб боришмоқда. Пахта еги ишлаб чиқариладиган кичик заводимиз ҳам муваффақиятдан саноатдан ўтди. Мана шундай изланишлар самараси бугунги кунда ўз натижасини бераётган. Чунки бузилган бир-икки йил аввал халк истеъмол буюмлари 0,4 фоизгина ишлаб чиқаришдан бўлса, бу йил 67 фоизга етди. Келгуси йилда 88 фоизга етишимиз умиддамыз.

— Келгуси режаларингиз ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Яқинда Россия Федерациясининг Новокузнецк шахаридеги металл ишлаб чиқариш корхонаси билан кўшма корхона тузиб қилидик. Унинг номи "Металло импекс" деб аталади. Бу кўшма корхонани тузишдан мақсад республикамизга жуда кўп миқдорда металл керак. Шартномага кўра улар бизга металл берилади. Биз эса корхонамиздан чиққан халк истеъмол буюмлари, республикамизда етиштирилмаётган кишлоқ ҳужайма маҳсулотларини айирболаш йўли билан ишлашга келишим олдик. Шунингдек Аргентина давлатидеги тадбиркорлар билан ҳам шартнома асосида ишлаш учун ҳужжатлар тайёрланади. Ўйлайманки, ташкил этилган кичик кўшма корхонамиз республикамиз иқтисодиётини ривожлантириш учун катта фойда келтиради.

Суҳбатдош Гулзода АБДУЛЛА кизи.

Гулум ЮСУПОВ.

Мана, яна наватдаги иш кўши ҳам ниҳоятга етай деб қолди. Йўловчиларни манзилларига элтиб қўйдиган тизим вақт тобора яқинлашмоқда. Шу босдан биз метронинг "Чилонзор" бекатига, яъни йўловчилар айнакка қўйиб бўлиб туланидиган жойлардан бирига идора ва хусусий пассажир автотранспорти ишини мувофиқлаштириш ва лицензиялаш бўйича бошқарма бошлиғи Ш. Ж. Мирзаамедов билан бирга келдик. Бу бекатни биз ат йўлаб танаб олмадик. Уни танабдан максал, транспортчилар, шу жумладан идора автобусларининг хайдовчилари ишини ўз кўзимиз билан кўриш эди.

Соат 17 дан 30 дақиқа ўтган пайтда ишдан уйларига шошилтаётган йўловчилар сонига бекатда жуда ҳам кўп эди. Лекин, шунини айтиш керакки, 10 дан зиёд йўналиш бўйича қатнаётган троллейбуслар ҳам, автобуслар ҳам бирин-кетин келар эди.

Мана, бекатга ид ра ерлиги етиштирилган "КВЗ — 683" машинаси келиб тўхтади. Машина хайдовчиси "Ўзғиртас" қурилиш-монтаж ва сохлаш бекатидеги ишловчи Раҳмат Шарипов "Машина 37-йўналиш бўйлаб қатнайди" деб эълон қилганидан кейин йўловчилар машина ўрниқликларини эгалай бошладилар.

— Ана шу бекатга и тез-тез жўнаб тураёми? — деб сўрадик шу йўловчилардан бири бўлган Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчиси Махмуд Холмухаммедовлар.

— Мунтазам равишда шу бекатдан қатнайман. Шаҳар транспортига идора машиналари ерданга келган эс ойдан бун кал савол енгиллашди. Унинг ишдан мен манжуман, — деб жавоб қайтарди Махмуд ака.

Бундай илди дил сўзларини қўлаб эшитиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирига қарашли асосида хайдовчиси И. Халматов ҳам йўловчиларга бир неча ойдан бун намунали хизмат кўрсатмоқда. Ана шундай керакли ва хайрай ишга "Ўйбойфўлтас" бирлашмаси бош моддий оморби хайдовчиси Азим Абдураҳмонов ҳам қўшилган.

Шуни айтиш керакки, турли корхона ва ташкилотларга қарашли 30 га яқин автобуслар хар кун эрталаб ва кечки пайт "Чилонзор" метроси бекатидан йўловчиларни олиб, уларни манзилларига элтмоқда. "Тошқарайўловчи" Давлат уюшмасининг янги бошқармасига Чилонзор, Акмад Икромов, Сергел тўманларининг ҳокимликлари бошқарма ўз ишини яхши йўлга қўйишда катта мадад кўрсатмоқдалар.

Биз одамлар жўнаб бўладиган яна бир бекатда — "Амир Темир хобони", автобусларнинг сўнги бекатида бўдик. Соат 18 дан 20 дақиқа ўтган. Қун бўйи еккан етигр шу пайтга келиб

анада қучайган бир пайт. Ана шу босдан бекатда турган хар йўловчи фақат тезроқ уйига етай олишни ўйлайди. Бундай пайтда шахар транспортини хайдовчиларига идора машиналари ерданга ошмадик.

— Белгиланган йўналиш бўйлаб қатнаш мураккаблик туғдирмайдими, — деб кизикиб сўрадик "Ўзинтранс" хайдовчиси Г. Қуролбоевдан.

— Мен июнь ойидан бери ишлайман, — дейди у, — унчалик мураккабликларга дуч келмадик. Бундан ташқари ҳозир машинани енгил билан тўдириш муаммоси ҳам хал этилган. Яна шунини ҳам айтиш керакки, эинликда биз хайдовчилар учун эгри йўллар билан эмас, балки очик

бошқармаси ва туманларнинг ҳокимликлари амалий ердан кўрсатдилар, — дейди Ш. Мирзаамедов. — Айниқса, Сергел, Ҳамза, Юнусобод, Яқасаров, Мирзо Улугбек, Миробод туманларининг ҳокимликлари қўрсатаётган ердан айниқса салмоқли бўлмоқда.

Ана шу муҳим ишга қўнғина корхоналарнинг раҳбарлари ҳам сидқиқлик билан ендишдилар. "Метель" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, "Тошқентгеология"нинг ҳужайма хисобидеги иқтисодшаранга базаси, Тошкент тўқимачилик комбинати, Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг автомобиль транспорти корхонаси, тиббиёт-санитария бирлашмасининг марказлашган автобазаси, "Техно

Ечмини топаётган муажжолар

ЙЎЛОВЧИНИ МАНЗИЛГА ЭЛТИШ ҲАММА УЧУН КЕРАКЛИДИР

ҳамда расмий йўл билан ҳамини тўдириш имконияти туғиди. Мен ишлаётган матмуриятнинг руҳати билан хар ойлик маошимга 40 фоизлик устама пули ҳам қўшилмоқда. Йўловчиларни йўл-йўлакка манзилларига олиб кетиш ҳам улар учун ҳам қўлай-да. Бу қулайлик шундаки, улар қира ҳақи учун оддий автобусларда тўлганларидек ҳақ тўлайдилар.

Бекатга яна наватдаги идора автобуси келиб тўхтади. У давлат таъминоти идорасига қарашли автомобиль транспорти корхонасига қарашли бўлиб, машинани хайдовчи Абдуллаев бошқармоқда. Машинанинг қайси йўналишга боришини билган йўловчилар ўрниқликларини эгалади.

— Мен хар кун мана шу бекатдан уйимга бораман, — дейди яна бир йўловчи, — коммунал хизмати кўрсатиш вазирининг хизматини Д. Убайдуллаева. — Идора автобусларининг шарофати билан транспортни узоқ кутиб қолмагимиз.

Бугунги кунда йўловчиларни ташшига корхона ва ташкилотларнинг қўшимча 613 та автобуси жалб этилган. Бу автобуслар 120 йўналишдан бўйлаб аҳолини манзилга элтиб қўймоқда. Ўтган тўрт ой мобайнида 1,5 миллион йўловчи ташланди.

— Йўловчиларни идора транспортларида ташши борасида Тошкент шахар Ички ишлар бошқармаси давлат автомобиль назорати

Санд БОТИРОВ.



Маҳсулотнинг сифатини текшириш учун диққат ва эътибор билан меҳнат қилмоқ керак. Шунини тўғри тушушган Тошкент метель ишлаб чиқариш бирлашмаси қолпоқчиликлар астойдил ишлаётган. Юқори самара билан қилинган таъиниётнинг олдини олишмоқда. СУРАТДА: қолпоқчилик бригадирши Рашида Нурмағома ва ишчи Эргашов Очиловлар янги тайёрланган курсига матони қоплашмоқда.

ИБРАТЛИ ТАДБИР

Ўзбекистон Ешлар Иттифоқи Тошкент шахар Ҳамма тумани қўмисаси икки хайрай ишга қўлади. Уларнинг бири пойтахтдаги "Восток" инновация фирмаси билан биргаликда мактаблар ўртасида ўтказилган қўриқ-танловдир. Унинг шарти бўйича ўқув йилининг биринчи ярим йиллиги мобайнида ўқувчиларнинг ўзлаштириши, дарса қатнашини давлати ва жамоат ишларида фаол қатнашганлиги хисобга олиниб, яна шу шартлар бўйича қоллиб деб топилган мактабга 30 та пенул йўллана берилади. Бу йўналиш билан ўқувчилар қизиқ ташти қурилида республикамизнинг қадимий шахарлари — Самарқанд, Бухоро, Урганч ва Хева шахарларида саяҳат қилиб келинади.

Иккинчи тадбир эса тумандаги "Янгиобод" кинотеатри қошида ўтказилди. Бу шахаримиздаги эмас, республикамизда биринчи мартаба ўтказилган "Ешларнинг меҳнат аркаси" бўлиб, у туман "Бандлик қизмати" ходимлари билан биргаликда ташкил этилди. Унда вақтинча ишлаётган еки иш қидириб юрган ешларга иш топиб бериш, касб-хунар танишдан йўлданлилар олиш юзасидан керакли маслаҳатлар берилади.

Козим Ўласов олган суратлар. Нарзулло ХАМРОЕВ.



Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 60 йиллиги олдидан

Адабиётнинг ривожини фақатгина шеърят белгиламайди. Адабиёт ҳудди бир гудастага ўшаидики, унга назм билан бир қаторда наср, болалар адабиети, драматургия ва танқидчилик жанрлари кўрк бағишлайди.

НАСРИМИЗ УФҚЛАРИ

Иброҳим РАҲИМ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

— Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 60 йиллиги арафасида босиб ўтган йўлимизга бир назар ташласак, 60 йил — бу камолот пиллаоялари эканлигига гувоҳ бўламиз. Биринчи навбатда бугун адибларимиз истиклол куйчисига айланиб, халқнинг орзу-истакларини қозоғга тушираётганлигини, истиклол мафқурасини яратиб, уни бойитишга жон фидо бўлаётганликларини таъкидлаб ўтишни истардим.

хар бири адабиётимизга ўз овози билан, ўз йўли билан, ўз услуби билан кириб келди. Бу нарсаси насримизнинг уфқлари кейинги йилларда гоётда кенгайиб бораётганлигини далолатлади.

КЕЛАЖАК ОЛДИДА МАСЪУЛМИЗ

Пўлат МҶМИН,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

— Сўнги йилларда болаларимизга бағишланган, уларнинг ҳаётини олиб езилган асарлардан ташкил топган болалар адабиётимиз кўпгина яхши асарлар билан бойганини таъкидлаб ўтмоқчиман. Болалар адабиёти ўзининг равижи борасида, айниқса, 50-70-йиллар ўртасида кўп ишлар қилинди. Тилга тўшган ота-он шoirимиз Куддус Мухаммадий, Толиб Йўлдош, Шаҳим Назир, Ёқубжон Шукуров, Носир Фозиловнинг шунингдек раҳматли Илес Муслим, Қудрат Ҳикмат яратган шеърлар, достонлар, хикоялар, киссалар болаларимиз орасида машҳур бўлиб кетди.

кейинги йилларда болаларга бағишланган китоблар кам нашр этилди, чунки болалар адибларининг ўзи ҳам кўп нарсаси эзатганлари йўқ. Маънавиятимизни бойитиш йўлида диққатга сазовор ишлар амалга оширилди. Эртанги кунимизнинг, овоз диеримизнинг эгалари бўлган болаларга, унинг адабиётга эътиборимиз ниҳоятда юқори бўлиши керак.

ХОТИРА КЕЧАСИ

Хайридин Салоҳ халқимиз ардоғиди ақолиб шоир ва таржимон эди. Бир неча йиллар мобайнида Хайридин ака "Тулхан" журналида меҳнат қилиб, болаларни қувноқ шеърлар билан баҳраманд этганди. Унинг она юрт гузааллигини кувлолчи шеърларини бугунги кунда ҳам китоб-хонлар севиб, мутолаа қиладилар.

Алжуманда шеърят шайдоси бўлган талаба ешлар билан биргаликда таъкидлаш шoirлар, адиблар ва санъаткорлар иштирок этишиди. Сўзга чиққан шoirлардан Жуманиёз Жабборов, Эркин Воҳидов, Сайёр, Тўлқин Илҳомлар Хайридин Салоҳнинг ҳаёти, ижод йўли ҳақида тўқнашганиб гапирдилар, хотираларини ўртоқлашдилар.

ОНАЖОНГИНАМ

Йўлданман, йўлданман ҳамон,
Рухга нур, пок сурур излаб борурман.
"Илоҳий қудратга йўғрил" деб замон,
Истиклол кемасини тезлаб борурман.

Назм чечаклари

ОТЕЛЛО

Хижрон эзганида жондан тўйдириб,
Қалбимга сунйиб юрман, холос.
Кизлар "Отелло" деб, қулса куйдириб,
Чақчайиб қўяман, Отеллога хос.

Яго дўст меҳрини сочиб юрибди
Отелло вақт томай, ишнинг дарсига,
Висол лицейдан қочиб юрибди.
Дездемонабону хур янаси деб,
Мавр қаласини таъмир этмоқда.


Турсун МУҲАММАД.

— Энди ҳамма қалам аҳлига ўхшаб гапни оилангизда санъаткорлар борми, болалигингиздан санъаткор бўлишга ишқибоз бўлганмисиз, деган саволдан бошлайсиз-да? — Йўғ, сизнинг қайси оилда камол топганингизни бир мен эмас, санъат шинавандаларининг барчаси яхши билади-ку.


халқ артисти, сахнамиз фахри Наби Раҳимов синфиди ўқидим. Наби ака ижро этган ролларни ижро этдим. Лекин Наби акани тақрирлашда иштирок этдим. Ижро этган ролларим ичида қуддирадигани ҳам бор, йилгатадигани ҳам бор. Иккала устоздан ўрганиб ўз йўлимни топдим. Ҳамиша шунга шукр қиламан.

— Дуторни олиб келинг. — деди. Дуторни олиб келдим. — Нима қиламан? — дедим. — Чаласиз, — деди Тошхўжа ака. — Билмайманку, — дедим. — Ҳеч нима билан ишим йўқ, чаласиз, — деди Тошхўжа ака, — хозирги хиргойингизда палов ҳақидаги шеър Уйғуннинг шеъри бўлиб қолган. Аслида уни трамвайчи Абдор эганми?

Сиз кутган учрашув "ЎТҚУРИЙ БЎЛСАМ БЎЛАҚОЛАЙ"



Одатда биров билан ҳамсуҳбат бўлганда бир томон, савол беради, иккинчи томон жавоб беради. Ўзбекистон халқ артисти Обид Юнусов билан эрталаб Ҳама номи театрда кўришмоқчи эдик. Ёйлади. Кечқурунги томошаларга назар солидим. Хотинлар гапидан чиққан ҳангома ҳазил спектаклида Обид ака ҳам қатнашар эканлар. Шу босдан кўришмишиз жуда ҳам қизиқ бўлди. Обид ака Абсалом деган отахонни ижро этар эканлар. Биринчи парданинг бошида бир чиқадиларку, иккинчи парданинг охирида яна бир кўринадилар. Хуллас, учрашувимиз ўзига хос бўлди.



Айтаверсам адо бўлмайди. Кинода ва театрда 150 дан ортиқ роллар ижро этдим. 1000 дан ортиқ дубляж овоз бердим. — "Майсаранинг иши" бадий фильмидаги машҳур "Шама келди чойда" кўшигини ўзингиз ижро этганмисиз? — Суратга олинаётганда ўзимча айтиб юргандин. Лекин фильмда кўшиқ ижро этишининг ўзига хос мушкулотлари бор экан, Фаррух Зокиров ижро этган.

— Уй етти-ўн саккиз ешда ҳамма шунақа бўлса кера-гов, Обиджон ака! — Шунча бўлади шекилли. Лекин менинг бесабригим бошқаларикидан жуда бошқача эди. Ҳамаза театрининг бош режиссери марҳум Александр Гинзбург институтда ҳам дарс берарди. — Ҳамаза театридаги оммавий сахналарда катнашсан бўлдингми? — деб сўрадим. — Бўлади. — деди у киши. — Қачон борай? — Менга қолса бугунроқ боравер. — деди кулиб Гинзбург.

га бир неча қушиқлар қушиқ. Томоша 1966 йилнинг апрелида тайёр бўлди. Энди премьераси бўлади, деганимизда ер кимирлаб қолди. Ҳеч қим театрға қирмайди. Театримиз Наманганга ижодий сафарга жўнади. Ўша ерда ези театрда "Парвона" илк марта қўйилди. Ун тўрт кун намойиш этдик. Одам залга сизмайди. Ҳамаза хур-сизди. Ун бешинчи мартасини Тошкентда ижро этдик. "Парвона" билан республикада нечта сахна бўлса, ҳаммасига бориб келдик деган лоф бўлмас. Номим ҳали ҳам Ўтқурий. Шунчалик ихлос қилишибди, Ўтқурий бўлсам бўлақолай дейман. — Ана энди бошида айтган гапингизга етиб келдик. Оилангизда сиздан бошқа санъаткорлар борми? — Йўқ. Лекин санъатни қадрлайдиганлар бор. Икки ўғлим опаси Шахлохоннинг изидан кетди, муаллим ака Навоийни, Шукур ака шох Эдил ва Сулаймон отани ўзлари билан бирга олиб кетишди.

ТОМОШАБИНИ БЕФАРҚ ҚОЛДИРМАЙДИ

Иккитадори кинорежиссер Мазис Абзаловнинг суратга туширилган фильмлари томоша қилмаган киши томошаси керак. У ишлаган "Келинлар қўғоғони", "Армон", "Суюнчи" каби фильмлар фақат Ўзбекистонда эмас, хоржий давлатларда таъқиқланган кинофестивалларда ҳам томошабинлар олқишини қозона олган. Мухбиримиз санъаткор билан учрашиб, унга бир нечта саволлар берди.

Матни суҳбат

воқеаларининг кечинишга қараб 4-5 та куй-қўшқоллар кириштириш ниятини бор. Ун ижро этишни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Юлда Усмоновдан ниятисимиз кўлмоқчимиз. Фильм муаллифи ҳамда моддий рағбатлантувчи Исроил Тўғривалар.

Ушбу куйни ҳар куйи эшитаман. Ишга кетаётганимда ҳам, ишдан келётганимда ҳам. Ниҳоятда дилдор сазолар бир дамба борлигини чулбаб олади. Бир зумгина тўхтаб қоламан. Қим қалайтиш экан деб, кўп қаватли уйлارга кўз югуртирмаман. Йўқ, ҳеч қим куйимайди.

МАВЖЛАР

қараб яна жимлайди. — Қалай? — Жуда зўр. Ростдан ўзингиз еганмисан? Бирон тўғаракка қатнашсанми? Ийгитча бош чайқади: йўқ қатнашмайман. — Бўлмаса қим сента бунча моҳирлик билан дутор чертишни ўргатган? — Ойимлар. — Нима, ойингиз санъаткорилар? — Йўқ. Олдийгина ўқитувчилар. Кўпроқ вақтлари мен билан ўтади. Кўчага чиқолмайман-да. Чиксам-ку, ўзим билардим-а...

Мустақил диёримизнинг қайси бир гўшасига борманг албатта "Пахтакор" жамоасининг содиқ мухлисларини учратасиз. Шаҳримизда "Пахтакор"нинг бирорта ўйинини ҳам қанда қилмасдан ўйингоҳга ташриф буюриб томоша қиладиган ишқибозлар кўп бўлади. Со- бик Иттифок даврида ҳам "Пахтакор" командасининг ҳужумкор руҳида ўйнаши ва ўзига хос кифога эга эканлиги учун ун жуда севардилар. Афсуски, ажойиб анъаналарга бой, Крас- ницкий, Абдураимов, Исоқов, Федоров, Ан, Хадзианагис каби бетакрор чарм тўп устала- рини етиштириб берган жамоа бугунги кунга келиб оқсаб қолди. Мавсум олдидан бир нечта ўйинчиларини кетини ўйламаган ҳолда командадан осонгина бўшатиш ва бошқа жузъий са- баблар жуда қимматга тушди. Ҳозир республика ва Тошкент шаҳар футбол федерацияси, ко- манда раҳбарияти томонидан мавжуд аҳволни ўнглаш учун қатор тадбирлар амалга оширил- моқда. Жумладан, "Пахтакор"га бош устоз сифатида голландиялик етакчи футбол мутахас- сиси Йоханесе Хендрик Вереле таклиф этилди.

Бизнинг "Пахтакор" командасининг президенти, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Шухрат Илхомович ЖАЛИЛОВ билан суҳбатимиз ҳам жамоанинг хайрли анъ- аналарини тиклаш борисда амалга ошириладиган саъй-ҳаракатлар хусусида бўлди.

— Шухрат Илхомович, албатта, ҳар нима бўлганда ҳам "Пахтакор" бизнинг фахримиз, ўзбек футболнинг кўзгуси. Кўпчилик чарм тўп ишқибозларини бир савол ўйантирмоқда. Ўзбекистонга илк бор хо- рижлик мутахассиснинг жалб этилиши қандай кечди?

— Авваломбор шуни алоҳида таъкидлаб ўтишни истардимки, Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида футболни янада ривожлантириш тўғрисида"ги қарориди "Пахта- кор" жамоасининг анъаналарини тиклаш учун лозим бўлган чора-тадбирларни амалга оши- риш, командани юқори малакали мутахассис- лар ва икхторли футболчилар билан таъмин- лаш, унинг ўқув-машғулот базасини му- стаҳкамлаш ҳақидаги бандларнинг ўрин олиши бежиз эмас. Бунинг сабабларини изоҳлаб ўтишга эса ҳожат бўлмас керак. Фақат шуни эслатиб ўтиш ўринлики, ўзбек футболнинг жонли тарихи ва юраги ҳисобланиш "Пахта-

Факат у ишни янги мавсум арафасида — ян- вар ойидан бошлади. Шуниси қўноқарликки, биз "Пахтакор"нинг 1995 йилдаги мавсумида тайергарлигини ҳам қиш ойларида Голландияда ўтказишга келишиб олдик. Бундан ташқари Ве- реле факат "Пахтакор"нинг бош устози сифати- дагина эмас, балки Ўзбекистон терма жамоаси- нинг маслаҳатчиси бўлиб ҳам фаолият кўрсатишга розилик берди.

— Янги мураббий билан асосан нималар ҳақида мулоқотда бўлингизлар?
— Шунини очик тан олишимиз керакки, "Пахта- кор"да ҳозирги кунда ечимини қутаётган му- аммолар талайгина. Бу унинг нотекис ўйинида, жамоа таркиби ва мураббийларнинг кўнимсизлиги орқали ҳам сезилиб турибди. Бир- қор биз ушбу муаммоларни бартараф қилиш йўлида астойдил иш олиб борялмиз. Жумладан, ҳозирги кунда жамоанинг асосий ўзатиғи сақлаб қолган ҳолда "Пахтакор" келажигини ўйлайдиган, унинг шухрати учун бор-қуч-

Футбол

"ПАХТАКОР": ХАЙРЛИ АНЪАНАЛАР ТИКЛАНАДИ

кор" командасида кейинги 2 йил ичида учта бош устоз алмашди. Афсуски, улар ўз олдиди- га қўйилган вазифани муносиб адо эта олма- дилар. Натижанда жамоа ўз бетакрор ўйинини топа олмади, инкирозга юз тутапти. Шу йил ав- густ ойида ўтказилган "Мустақиллик Кубоги" турнирида юртбошимиз Исрол Каримовнинг "Витесс" (Арнем, Голландия) футбол клуби ҳамда АЭС "Холанд груп" фирмасининг прези- денти, Ўзбекистон Республикасининг Голландиядаги фахрий консули жаноб Карл Аалберс билан учрашуви чоғида ҳам "Пахтакор" жамо- асини голландиялик етакчи мутахассис билан қучатириш ва шу билан бирга ўзбек футболни илгор Европа футболни услублари билан та- ништириш орқали ривожлантириш масалалари кўтарилган эди. Ва ниҳоят яқинда шаҳримизга Карл Аалберс, (юртбошимизга берган ваъдаси- га содиқ қолган ҳолда) АЭС фирмасининг бош директори Харельд Клап ҳамда "Пахтакор" ко- мандаси устозлигига мўлжал этилган Й. Х. Ве- релелар ташриф буюришди. Улар Ўзбекистон Республикаси Бош вазирлиги, республика футбол федерациясининг раиси Абдулқошим Мута- лов томонидан қабул қилинди, пойтахт ҳоким- лигида меҳмонлар учун қабул маросими уюш- тирилди. Қизгин мулоқотлар чоғида "Пахтакор" командасининг таркиби ва унинг тузилиши, жамоага, "Аякс", "Фейеноорд", "Эйндховен", "Витесс" каби етакчи футбол клублари услуб- лари асосидаги методикани тадбиқ этиш, шаҳримиз жамоасининг миллий хусусиятлари ва яқин анъаналарини сақлаб қолган ҳолда за- монавий тактика ва методикаларни жорий этиш ҳақида фикрлар билдирилди. Хуллас, "Пахта- кор" асосида ҳар томонлама ривожланган ва етук футбол клубини тиклаш хусусида гапла- римиз бир жойдан чиқди.



Бундан ташқари меҳмонлар спорт базасига ташриф буюришди, жамоанинг машғулотларини кузатишди. "Трактор" билан ўтказилган ўйини томоша қилишди. Улар айниқса Назиров, Ширшов, Моргулис, Бутало, Махсудовлар ҳақида жуда илк фикрларини билдиришди. Таркибиди бундай ўйинчилар бор жамоа албатта мамлакат чемпиони бўлиши ло- зимлигини таъкидлашди. Голландиялик мута- хассисларга футболчиларимизнинг техникаси жуда етди, бироқ жамоанинг тактик жиҳатдан бўлиши сабабли бу соҳага алоҳида эътибор бериш, ўйинчиларда майдонда фикрлар кўникмаларини ҳосил қилиш зарурлигини мас- лаҳат беришди. Й. Х. Вереле эса жамоага так- тикнинг нечоғлиқ ўринли эканлиги, уни қандай шарт-шаритлар қутаётганининг аниқлаш мақсадида келганлиги, ҳамшаҳарла- римизнинг футболни нақадар севиншлари, ўзбекларнинг кўнгли очиклиги ва меҳмондўстлиги, умуман еш мустақил давлат- нинг футболга нисбатан жуда жиддий муноса- батини, XII Осиё ўйинларидаги ажойиб белла- шувларни кўриб, қалбиди ушбу юрт футболни ривожига баҳоли қудрат ўз хиссасини қўшиш нияти жўш урганигини айтиб ўтди. Ва "Пахта- кор"га бош устоз бўлиш таклифини бажонидил қабул қилганлигини билдириди.

Бизнинг МАЪЛУМОТ: Йоханесе Хен- дрик Вереле. 1953 йил 21 апрелда тутилган. 7 ёшдан футболга ошно. Ҳамоа чизигида ўйнаган. Футболдаги ўз фаолиятини 16 ёшдан профессионал сифатида "Спарта" (Рот- тердам) жамоасида бошлаган. 24 ёшга тўлгунга қадар "Свини" ва "Сденбош" (Рот- тердам) командаларида тўп сурган. Сўнг 7 йил давомида "Сденбош" жамоасига усто- злик қилган. Кейинчалик "Рбис", "НАК" ва "РКС" командаларида ишлаган. Уйланган. 14 ёшли кизи бор. 1975 йилда техник коллежи компьютер техникаси муҳандиси ихтисоси бўйича тугатган. 1976 йили спорт мактабиди таълим олган.

— Шухрат Илхомович, Вереле билан қандай шарт-шаритларда ва қачна муддатта шартнома тузилганлигини ҳам айтиб ўтсангиз.

— Голландиялик икхторли мураббий Й. Х. Вереле билан икки йилга шартнома тузилди.

Суҳбатни Дилшод ИСРОИЛОВ езиб олди.

Бош мухаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМГАРМА БАНКИ

ЎЗБЕКБИРЛАШУВ • ЎЗБЕКСАВДО

1994 йилги "СОВГА" лотереясини чиқарди

"СОВГА" лотереяси - бу Сизнинг орзуингиз! Бунақаси ҳали бўлмаган.



"СОВГА" пул-буюм лотереясида автомобиль, видеоаппаратура, телевизор, мебель комплектлари, гиламлар ҳамда бошқа халқ истеъмолчи молларини ютиш имконияти бор.

ЎЗИНГИЗ ЎЙЛАБ КЎРИНГ: ЧИҚАРИЛГАН ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯНИНГ УМУМИЙ СУММАСИНИ 70 ФОЙИЗИНИ ЮТУҚЛАР ТАШКИЛ ЭТАДИ.


СОВГА лотерея билетлари Ўзбекистон Жамғарма банкининг барча муассасаларида, алоқа бўлимларида, савдо ташкилотларида, жамоатчи билет тарқатувчилар орқали сотила бошланди.

Сиз Ўзбекистон Жамғарма банкининг барча муассасалари, шунингдек, 45-35-49, 45-66-43, 33-51-95 телефонлари орқали бу ҳақда янада батафсил маълумот олишингиз мумкин.

"СОВГА" ЛОТЕРЕЯСИ - ОИЛАНГИЗ УЧУН СОВГАДИР!

Билетнинг баҳоси - 10 сўм.

Шошилинг! Ютуқлар тиражи 1994 йил 28-29 декабрь кунлари Тошкент шаҳридаги "Наврўз" саройида ўтказилади.



ЛОТЕРЕЯ ЎЙНИДА ҚАТНАШИБ, ЮТИНГ! СИЗГА ОМАД ЁР БЎЛСИН!

Маълумот учун телефонлар: 45-35-49, 45-66-43, 33-51-95.

"Каноп" жамоа корхонаси (Тошкент каноп йиғирув-тўқимачилик фабрикаси) кенгайтирилиши муносабати билан қўйидаги мутахассисларни ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:

- тарайдиган (титадиган), лента қиладиган ва ип қалавалайдиган машиналарни бошқарувчилар,
- йиғирувчилар,
- тўқувчилар,
- металл кесувчи ускуналарни татмирлаш бўйича чилангар,
- резина аралашмаларини валдоққа қилувчи,
- 2000 СЎМ ВА УНДАН ОРТИҚ (максимал миқдори текланмаган) ИШБАЙ АСОСИДА ҲАҚ ТЎЛАНАДИ.

Қўйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Крупская кўчаси, 8-уй, Телефон: 55-89-75.

"БОЛОМВОР" ҳиссадорлик жамияти

- Тошкентдаги оморхонадан Европа мамлакатларидан келтирилган ҳақ истеъмолчи молларнинг янги хилларини улгуржи ва чакана савдога чиқаради.
- + 280 г. печенье-қаксларнинг турли хиллари,
- + 1/1 л. шишада "Роял" 96° спирти,
- + 1/1 л. шишада "Аслано" 40° ароғи
- + "Кати" конфетларининг хилма-хил турлари (қолларда),
- + 400 г. шиша банкаларидаги "Тартин" креми,
- + ётоқхона мебели (Италия),
- + 585 г. "Быстро" анаваси (қолларда)
- + ула-элик (Франция).

Ҳақ тўлаш усуллари - нақд пул ёки ташриф қоғозлари воситасида.

Манзилимиз: Ж. Обидова кўчаси, 260-уй. Телефонлар 63-99-62, 60-05-74.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ИЧКИ ҚЎШНИЛАР БОШҚАРМАСИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЭСТРАДАСИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

23 ДЕКАБРЬ СОАТ 18.00ДА 24-25 ДЕКАБРЬ СОАТ 14.00 ВА 18.00 ДА

"ЭЛГА ХИЗМАТ — ОЛИЙ ҲИММАТ"

КИЗИҚИЧЛИРИНИНГ ЯНГИ ДАСТУРИНИ СИЗГА ХАВОЛА ЭТАДИ
кизиқчилар: хонандалар: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист МИРЗАБЕК ХОЛМЕДОВ, ТУХТАМУРОД АЗИЗОВ, ОБИД АСОМОВ, СОБИТ АСОМОВ, хонандалар: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист НУРИДДИН ХАЙДАРОВ РАВШАН КОМИЛОВ

ТОМОШАДА: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, ички қўшнлар бошқармаси қошидаги ҳарбий ашула ва ракс ансамб- ли қатнашади.

Ансамблининг мусика раҳбари — Ўзбекистон Республикаси халқ артисти АБДУҲОШИМ ИСМОИЛОВ. Саҳналаштирувчи режиссёр — ОБИД АСОМОВ. Ансамблининг бадий раҳбари — ёшлар уюшмаси мукофоти совриндори ИСМОИЛЖОН ГҲУЛОМОВ. Чипталар Халқлар Дўстлиги саройи кассаларида соат 10.00 дан 19.00 гача сотилади. Мурожаат учун телефонлар: 45-07-65, 45-92-51.


2521 — АВТОЖАМЛАНМА Тошкент шаҳрида яшовчи "ВС" ва "Е" категорияли ҳайдовчиларни ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Иш ҳақи ишбай-муқофотли. Ҳайдовчиларнинг газ автомубилла- риди ишлари учун руҳсатномаси бўлиши шарт.

Агар ушбу руҳсатнома бўлмаса автожамланма ўқиш учун йўлланма беради.

Манзилгоҳимиз: Мирзо Улугбек тумани, Хабаровск кўчаси, 34-уй, соат 8.00 дан 17.00 гача.

Телефонлар 67-55-71, 67-34-11. 3,29,6-трамвайлар; 30,21-авто- бусларнинг "2521-Автожамланма" бекати.



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида рўйхатга олинган. Рўйхат соми ~ 10.

Маънавиятимиз: 700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: хатлар ~ 33-29-70; эъмон ва тижорат хабарларини мойлаштириш масалаларини бўйича ~ 56-54-68, 32-56-66.

Эълонлар ва тижорат хабарлари оқиш ва таърифи учун жавоб- қарлик уларни берил- машкун ва шахслар унлашадир.

Нашри етканиб бериш маса- лалари бўйича турар жойлар- даги пошта бўлимига ёки "Тошкент почтаси" шаҳар пош- та корхонасининг фойдаланиш бўлимига ~ 33-74-05 телефо- нига мурожаат қилинганга мумкин.

Ҳажми ~ 2 босма табоқ. Офсет усулда чоп этилади. Қўроқ бивени - А-2. Газета ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Нашир кўрсаткичи - 64690.

"Шафқ" нашрийт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзилги: "Буюк Шайхон" кўчаси, 11-уй.